

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUN

ANDIJON, 2024

СЎЗ-ГАПНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Ибрагимова Муқаддас Абдуллаевна,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Аннотация. Нутқнинг минимал бирлиги ҳисобланувчи синтактик қурилмалар масаласи тилшуносликнинг матн ва унинг тавсифи билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ечимини бериш учун муҳим ҳисобланади. Бу борада гап ва унинг турлари, нутқда гапнинг намоён бўлиш томонлари билан боғлиқ масалалар долзарблиқ касб этади. Шу нутқтаи назардан сўз-гапнинг лингвистик тадқиқига оид қарашлар ўзига хос аҳамиятга эга. Мақолада мана шу актуал муаммолар доирасидаги айрим мулоҳазалар келтирилган. Муаллиф мақолада бу масала билан боғлиқ ўзнинг қарашларини баён этган. Ўигача бўлган мутахассислар қарашларига муносабат билдирган. Ўз ёндашувини мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: гап, содда гап, қўшма гап, сўз-гап, сўз-гапнинг турлари, бир бош бўлакли гап, просодика, предикативлик, модаллик, объектив модаллик, субъектив модаллик, оҳанг, гап бўлаклари.

Лингвистик тавсифига кўра гап ҳақидаги синтактик назария ўзининг кенг кўламли ва муаммоли ҳамда мунозарали масалалари билан тилшуносларнинг дикқатини ўзига жалб этиб келган ва бу борадаги тадқиқот ва изланишлар кескин зиддиятли ва мунозарали жиҳатлари билан давом этиб келмоқда.

Гап ва унинг назарий тавсифи тилшунослик тарихида ўзининг тадрижий тараққиёти билан алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, мазкур тушунча тилшуносликнинг соф ўз тенденциялари асосида эмас, балки фалсафий-мантикий ёндашувлар асосида шаклланган. Шу боис бўлса керак, унинг назарий асосларининг белгиланиши, уни таҳлил қилиш усуулларидаги ёндашувлар, унинг таркибий тузилиши, гапнинг типлари, ташкил этувчи компонентлари, коммуникатив хусусиятларини тавсифлашда ҳам мазкур мезонлар, яъни фалсафий-мантикий ёндашувлар устиворлик касб этади.

Назаримизда бундай бўлиши ҳам табиийдир. Чунки инсоннинг тилидан мақсад нутқдир. Нутқдан кўзланган самара эса, ўз навбатида, унинг мулоқот учун хизмат қилишидадир. Мулоқотнинг пировард натижаси прагматик мақсад билан боғлиқ экани изоҳ талаб этмайди. Гап ва унинг турлари хусусида фикр билдирап эканмиз, аввало, унинг содда ва қўшма гапларга бўлиб ўрганилганига эътибор қаратишни ўринли деб биламиз. Бунда асосий мезонлардан бири грамматик асос тушунчасига бориб тақалади. Грамматик асос содда гапда битта экани, қўшма гапларда икки ва ундан ортиқ бўлиши билан белгиланади. Бу дунё тилларнинг грамматик таҳлилида синтактик таҳлил учун бош мезонлардан биридир.

Грамматик асос тушунчасининг лингвистик тавсифи ҳам турли даврларда қарийб бир хил бўлиб келаётган бўлишига қарамай, унинг ҳам муайян тартиб ва таҳлилларга кўра, истисноларга юз тутаётганини қайд этиш мумкин. Айтиш мумкинки, грамматик асос гапнинг бош бўлаги ҳисобланган эга ва кесим ва унинг муносабати асосида белгиланиши устивор бўлишига қарамай, фан тараққиети динамикаси унга нисбатан қайсиdir маънодаги ўзгаришларнинг ҳам эътиборга олинишига сабаб бўлмоқда. Бизнингча бу фикр ва қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлган омиллар сирасига, аввало, фанимиз тараққиётидаги тадқиқотлар парадигмасидаги ўзига хос ўзгаришлар асос бўлаётгани шубҳасиз. Чунки юқорида қайд этилган грамматик асос хусусидаги қарашларнинг шаклланиш асоси қиёсий-тарихий парадигма асосидаги қарашлар

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUN

ANDIJON, 2024

туфайли вужудга келган бўлса, грамматик асоснинг бир бош бўлак замирида ҳам намоён бўлиши хусусидаги қарашлар айни парадигмага хос илмий назарияни инкор этмаган ҳолда, бу назариянинг систем-структур ёндашув асосида ўзгариб бораётганини кузатиш имконини беради. Грамматик асос тушунчаси синтактик таҳлилда гапнинг турини ва мақомини белгилаш учун энг муҳим белги-хусусиятдир.

Грамматик асоснинг бир бош бўлак замирида шаклланиши хусусида фикр билдиран эканмиз, унинг бир бош бўлакли гапларда, қисман тўлиқсиз гапларда ҳам, сўз-гапларда ҳам намоён бўлишини кўрсатиб ўтиш мумкин бўлади. Грамматик асос тушунчаси хусусидаги бундай ёндашувга сабаб, бизнингча, ўзигача бўлган мавжуд қарашларга қўра белгиланган ва шу тарзда шаклланишга эга бўлган.

Аввало, гап тушунчасининг синтактик тавсифида нолингвистик мезонлар устунлик қилиши, яъни унинг фалсафий-мантиқий мезонларга мос ҳолда шакллангани, бундан ташқари, гапнинг нутқ бирлиги бўлишига қарамай, тил бирлиги сифатида узоқ даврлар мобайнида талқин қилиниб келгани ҳам бу борадаги фикрларда изоҳтараб томонларнинг юзага келишига сабаб бўлган дейишга асос бўла олади. Буни сўз-гаплар мисолида кўриб чиқишига ҳаракат қилайлик.

Сўз-гап тушунчаси ҳам тилшуносликда узоқ тарихий тараққиёт босқичлари билан боғлиқдир. Сўз гапнинг грамматик тушунча экани изоҳ талаб қилмайди. Унинг синтаксис доирасида ўрганилиб келингани барчамизга яхши маълум. Бу XX асрда шаклланган ва том маънода катта юксалиш даврини бошидан кечирган ўзбек тилшунослигининг ўзига хос ютуқларидан бири экани, бизнингча, айни ҳақиқат. Бироқ, сўз-гап масаласи тилшунослик фани тараққиётининг барча босқичларида ҳам муаммоли ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган обьектлардан бирини тақазо этаётгани ҳам чин эмас. Чунки унинг таркибий тузилиши, морфологик жиҳатдан сўзни ташкил қиласа, синтактик жиҳатдан бундай синтактик қурилма гапнинг коммуникатив аспектига доир кўплаб белги-хусусиятлани ҳам ўзида мужассам қилади. Шундай экан, унинг грамматик мақоми, коммуникатив, прагматик ва когнитив жиҳатлари тадқиқотчиларни қайта-қайта ўз бағридаги сир-синоатларни ўрганишга, тадқиқ қилишга чорлаётганида ажабланарли ҳолатнинг йўқ экани ҳам ўринлидир.

Мавжуд адабиётлардаги синтактик қурилмалар тавсифи, уларнинг гап мақомини олишига асос бўлувчи грамматик белгилари нафақат лексик, морфологик, синтактик белгилари билан чекланмайди. Бунда уларнинг предикативлик, просодик ва модаллик белгилари ҳам энг муҳим белгилар ҳисобланиб, жумлага гап мақомини бериш учун асос бўлади.

Қайд этилган предикативлик, просодик ва модаллик белгилари барча гапларда, хусусан, сўз-гаплар учун ҳам тааллуқлидир. Масалан:

1. Во дариго, шу кўринмиш ажина бўлдими? *Xa, йўғ-a!* Умри шу далада ўтди – бир нима-да кўрмади.

2. Ё, шу кўринмиш туш бўлдими? *X-a, йўғ-a!* Ўлик-тирик сергак вақт-a! Мусичалар узиб-узиб ку-кулайди.

Кун ёнади (Тоғай Мурод, Отамдан қолган далалар. 6-б.).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *Xa, йўғ-a!* сўз-гапи қўлланилган бўлиб, бунда - *йўғ-a!* сўз-гапдир. Мазкур сўз-гапнинг таркибидан ўрин олган -a сўроқ-таажжуб юкламаси йўқ инкор сўз-гапининг мазмунига сўроқ-таажжуб маъносини ҳам қўшмоқда.

Мазкур сўз-гап -a юкламаси ва *Xa* модал сўзи ёрдамида кенгаймоқда. Аппликатив жараённинг биринчи босқичида йўқ инкор маъносини берувчи модал сўз-гапи -a юкламаси орқали ва жараённинг иккинчи босқичида *xa* модал сўзи ёрдамида кенгаймоқда. Аммо шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, йўқ инкор сўз-гапининг мазмунига сўроқ-таажжуб маъносининг ҳам қўшилиши йўқ сўзниг инкор маъносини

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUN

ANDIJON,2024

тўлиқ ифодалашига йўл қўймаслик билан бир қаторда, унинг мулоқот структурасига таажжубланиш ва ишонқирамаслик ҳамда сўроқ семаларини ҳам олиб кирмоқда.

Бундан ташқари, мазкур сўз-гапнинг яна бир кенгайтирувчиси ҳисобланган *ҳа* модал сўзи ўзи алоҳида сўз-гапни эмас, балки юқоридаги сўз-гапнинг таркибига кириш сўз сифатида *ҳайрат* семасини қўшаётганини инкор этиб бўлмайди.

Келтирилган мисолларнинг иккинчисида иштирокчи компонент сифатида келаётган *Ҳ-a, йўғ-a!* жумласи таркибидаги *йўғ-a!* сўз-гапни тақазо этаётган бўлиб, аввалги мисолдаги сўз-гапдандан нутқдаги талафуз жиҳати, тузилиши, синтактикаси, семантикаси, предикативлик белгиси жиҳатидан ҳам фарқланмайди. Демак улардаги просодика, предикативлик ва объектив модаллик аналогик ҳолатдадир. Бирок, мазкур сўз-гапнинг иккинчи кенгайтирувчиси ҳисобланган *ҳ-a* тарзидаги талаффузи просодик нуқтайи назардан аввалги гапдаги *ҳа* тасдиқ сўзидан фарқли мадаллик белгисини ифодалашга хизмат қилмоқда.

Кўринадики, гапнинг грамматик асоси унинг қиёсий-тариҳий парадигма қонуниятлари асосида белгиланиши, унинг систем-структур ёндашув асосидаги моҳиятидан, ўз навбатида, унинг антропоцентрик парадигма асосидаги тавсифи эса уларнинг аввалги ҳар иккала парадигма асосидаги тавсифидан ўзига хос томонларнинг ҳисобга олиниши билан фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sayfullayeva R.R., Qurbonova M., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.X. Yunusova ... Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent, 2009. 280 b.
2. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 2012. –258 б.
3. Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. –294 б.
4. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Т., «Фан», 1976. –560 б.
5. Xayrullayev X. Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. Иностранный филология: язык, литература, образование. 2019. (2 (71), 17-20. https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/921
6. Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. –
7. Самарқанд, 2008. –70 б.